

УДК 338.46

DOI: 10.56937/v7i9a12

*Ж.А.Хайдаров*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
“Реал иқтисодиёт” кафедраси стажёр  
ассистенти*

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ**

**Аннотация** ушбу мақолада республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланган ташкилий-иқтисодий механизмларнинг хизматлар бозоридаги фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмаслигига алоҳида эътибор қаратилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни инфратузилма таркибий қисмларининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларнинг бажарилиш тадбирларини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритиши юзасидан маълумотлар келтирилган. Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар меҳнат фаолиятини самарали бўлишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини ишлаб чиқиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятлари ўрганилган.

Бироқ меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд. Чунки, хизмат кўрсатаётган корхоналар харажатларини тўхтовсиз камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилиги ва танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад олишга эришиш йўллари таҳлил қилинган.

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарадорлигини таъминлашда юқорида таъкидланган таснифлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида хизматлар салмоғини оширишга қаратилган ислохотлар ушбу хизмат соҳаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Масалан, хизматлар тури сифатида савдо уйлари, ташкилотлари, ярмаркалар, озик-овқат ва ноозик овқат маҳсулотларини сотишга ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларини самарали фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, хизматлар маҳсус товар сифатида уни кўрсатувчиларга ўзига хос талабларни бажаришни талаб этади.

Ушбу фикрни тасдиғи сифатида ярмаркаларни ўрни ва ролини мисол қилиш мумкин. Кейинги вақтларда хизмат соҳасининг савдо-воситачилик таркибий инфратузилмаси сифатида уларнинг роли жаҳон тажрибасида бирмунча пасайиб бормоқда. Етакчи ўринга хизматлар бозори таркибида ушбу бозорнинг ҳолати ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат истеъмолчилари ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг таркибий янгиланиши, аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, кейинги йилларда соҳани ривожлантиришга жиддий

эътибор берилиши натижасида, унинг мамлакатимиз иқтисодиётдаги ўрнида ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шу сабабли хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** хизматлар соҳаси, баҳолаш, савдо, меҳнат бозори, сифат хусусияти, инфратузилма, самарадорлик.

**Кириш.** Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим драйвери сифатида миллий иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан бугунги кунда хизматлар соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тушунтириб бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада, мамлакатимизда хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4752 - сонли Қарорида муҳим вазифалар белгилаб қўйилган.

Худудларда хизматлар соҳаси ривожланишини баҳолаш, ўз таркибига кўра савдо, ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби фаолият турларини қамраб олади. Хизматлар соҳаси фаолиятининг якуний натижаси кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади. Шу боис, хизматлар соҳасининг иқтисодиётда хусусан, худудлар ривожланишидаги ролини аниқлашда аҳолиги кўрсатилган хизматлар ҳажми индикаторидан фойдаланиш қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сонли Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда худудларни ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ролини баҳолаш мақсад этиб белгиланди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу соҳа инфраструктурасини ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва инфратузилмасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда республикаимизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”<sup>1</sup> долзарб масала ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни инфратузилма таркибий қисмларининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларнинг

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.

бажарилиш тадбирларини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини ишлаб чиқиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятини аниқлаш зарур. Бироқ меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд. Чунки, хизмат кўрсатаётган корхоналар харажатларини тўхтовсиз камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилиги ва танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини кенг жорий этиб, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қисқартиришга умуман имкон бермайди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Қ.Х. Абдурахмонов "Меҳнат иқтисодиёти" номли дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифаси ва функцияларининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган<sup>1</sup>. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

Т.Д. Бурменконинг "Экономика сферы услуг (Вводный курс)" номли асарида корхоналарда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўллари, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари ҳамда уларни ўлчаш усуллари, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакли ва усуллари, унинг асосий вазифаси ва функциялари тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик томонидан ёзилган "Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service management and Operation" асарда сервис иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва инфратузилмасини бошқариш тизими, унинг усули ва воситалари, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари ҳамда уларни ўлчаш усуллари, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-

<sup>1</sup> Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (Дарслик). Т.: Меҳнат, 2004. б.397.

<sup>2</sup> Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

иктисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакллари ва усуллари, унинг асосий вазибалари ва функциялари тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Маҳаллий ёш иқтисодчи олимларимиздан Ш.О. Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари" номли тадқиқот ишида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий назарий ва илмий услубий жиҳатлари тадқиқ этилган. Бунда соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида, унинг ривожланиш хусусиятлари ва шакллари, инфратузилмасини айрим жиҳатлари ёритиб берилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда билиш назариясининг индукция ва дедукция, мантиқий ёндошув, макон ва замон, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, тизимли ва вазиятли ёндашув, анализ ва синтез, сўров усули, шунингдек, иқтисодий-математик моделлар, статистик ва эконометрик усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда олиб борилган тадқиқотларимизнинг натижалари республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида шакланган ташкилий-иктисодий механизм хизматлар бозорида уларнинг фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг таркибий тузилмаси – бу мураккаб ташкилий-иктисодий тузилма бўлиб, унинг асосий элементлари сифатида тармоқнинг моддий-техника таъминоти, кредитлаш, суғурта, маркетинг ва ҳуқуқий хизмат кабилар киради.

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарадорлигини таъминлашда юқорида таъкидланган таснифлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида хизматлар салмоғини оширишга қаратилган ислохотлар ушбу хизмат соҳаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Масалан, хизматлар тури сифатида савдо уйлари, ташкилотлари, ярмаркалар, озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотларини сотишга ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларини самарали фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, хизматлар махсус товар сифатида уни кўрсатувчиларга ўзига хос талабларни бажаришни талаб этади.

Ушбу фикрни тасдиғи сифатида ярмаркаларни ўрни ва ролини мисол қилиш мумкин. Кейинги вақтларда хизмат соҳасининг савдо-воситачилик таркибий инфратузилмаси сифатида уларнинг роли жаҳон тажрибасида бирмунча пасайиб бормоқда. Етакчи ўринга хизматлар бозори таркибида ушбу бозорнинг ҳолати ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат истеъмолчилари ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг таркибий янгилиниши, аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, кейинги йилларда соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор берилиши натижасида, унинг мамлакатимиз иқтисодиётдаги ўрнида ўзгаришлар кузатилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатига тўхталсак, 2020 йил 1 январ ҳолатига ЯИМ ҳажми 511838,1

<sup>1</sup> Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service management and Operation – 2-е международ изд. (пер.с англ нар. наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксвер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – Спби. др: Питер бух. 2002. – С. 496.

<sup>2</sup> Ш.О. Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари". Монография.

млрд. сўми ташкил этган бўлса, шундан хизматлар соҳасига 165053,2 млрд.сўм тўғри келади. Ёки унинг ЯИМдаги улуши 35,5 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 105,1 фоизга ўсган.<sup>1</sup>

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 16272,5 млрд сўм (ўсиш 111,6%), аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 484,6 минг сўми (ўсиш 109,5%), соҳада банд бўлганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 50,7 фоизини, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар улуши 65,9 фоизни (ўсиш 20,6 %) ташкил этган<sup>2</sup>.

Агар шу даврда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 334,8 минг тани ташкил этган бўлса, улар сонининг энг кўп улуши савдо соҳасида 30,0%, саноат тармоқларида 20,9%, қурилишда 10,8%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8,6 %, яшаш ва овқатланишда 7,6%, ташиш ва сақлашда 4,5 %ни ташкил этан<sup>3</sup>. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, умум ҳисобда иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий кўрсаткичлари бўйича ўсиш тенденцияси кузатилган. Бироқ, бундай ўсишда худларнинг роли ва улуши турлича аҳамиятга эга.

Худудларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (25785,4 млрд. сўм), Тошкент (3289,3млрд. сўм), Самарқанд (2430,5 млрд.сўм), Фарғона (2242,8 млрд. сўм), Бухоро (1750,4 млрд. сўм), Андижон (1524,8 млрд. сўм) ҳамда Қашқадарё (1514,3 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилган. Нисбатан кам бўлган Наманган (1227,6 млрд. сўм), Сурхандарё (1216,3 млрд. сўм), Хоразм (1104,0 млрд. сўм), Қарақалпоғистон Республикаси (973,2 млрд. сўм), Навоий (837,1 млрд. сўм), Жиззах (790,8 млрд. сўм) ва Сирдарё (720,5 млрд. сўм) вилоятлари кузатилган.

Агар бу рақамлар 2018 йилга нисбатан солиштирилса Сурхандарё вилоятидан бошқа барча худудларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ўсганлигини кузатиш мумкин.

2020 йил маълумотларига кўра хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида транспорт хизматлари (24,4 %) ҳамда савдо ва овқатланиш хизматлари (28,7 %) устувор аҳамиятга эга бўлиб, жами хизматларнинг ярмидан ортиғи айнан ушбу хизматлар улушига тўғри келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг таркиби,  
жамига нисбатан фоизда<sup>4</sup>**

Хизмат турлари	2011 й.	2015 й.	2020 й.
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
<b>Жами – хизматлар*</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	7,5	6,6	6,3
Молиявий хизматлар	9,5	10,5	20,8
Транспорт хизматлари	38,6	34,1	24,4
Шу жумладан: автотранспорт хизматлари	18,4	20,4	12,9

<sup>1</sup> [https://stat.uz/uploads/docs/yalpi\\_ichki\\_mahsulot\\_dekabr\\_uz.pdf](https://stat.uz/uploads/docs/yalpi_ichki_mahsulot_dekabr_uz.pdf)

<sup>2</sup> [https://stat.uz/uploads/docs/xizmatlar\\_uz\\_yanvar.pdf](https://stat.uz/uploads/docs/xizmatlar_uz_yanvar.pdf)

<sup>3</sup> [https://stat.uz/uploads/docs/MB\\_2019\\_z.pdf](https://stat.uz/uploads/docs/MB_2019_z.pdf)

<sup>4</sup> Манба: Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами ,Т., 229-саҳифа.

Яшаш ва овқатланиш хизматлари	1,1	1,1	2,5
Савдо хизматлари	25,8	27,7	26,2
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3,0	3,5	2,7
Ижара хизматлари	2,0	2,3	1,9
Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2,2	2,2	1,5
Таълим соҳасидаги хизматлар	2,9	3,4	3,9
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,0	1,4	1,5
Шахсий хизматлар	2,7	3,0	2,3
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1,1	1,1	2,2
Бошқа хизматлар	3,4	3,6	3,8

Хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва унинг иқтисодий салоҳиятини оширишда масалан, савдо хизматлари ҳажмини оширишда ва бу хизматлар сифатини яхшилашда тегишли инфратузилманинг бўлишлиги муҳим роль ўйнайди. Инфратузилма (инфраструктура) латинча сўз бўлиб, “infra” — қуйи”, “остида” и “structura” — “тузилиши”, деган маъноларни англатади. Умумлашган ҳолда у ҳар қандай тармоқнинг узлуксиз фаолият юритиши учун зарур бўлган қуйи тузилмалар мажмуасидир.

Инфратузилмалар турлича бўлади: социал, иқтисодий, ахборот, транспорт, йўл, бозор, савдо, банк, таълим муассасалари ва бошқалар. Масалан, социал инфратузилма – бу аҳолининг оптимал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган корхона ва тармоқлар йиғиндисидир. Бу тузилманинг муҳим буғини – савдо тармоғидир. Савдо тармоғи, шунингдек, хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Баъзи дунё ва МДХ олимларининг фикрича, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи соҳа тизимини яхлит - ишлаб чиқариш инфратузилмаси (транспорт, алоқа, савдо ва бошқалар) – ижтимоий инфратузилмаси ( транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш кабилар) жамият аъзоларининг ҳаёт фаолиятини ва интеллектуал тараққиётини таъминлашга қаратилган хизмат соҳаси таркибий элементлари ташкил этади деб изоҳлайдилар<sup>1</sup>. Мамлакат иқтисодиётида моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи чуқур таркибий ўзгаришлар қаторида бозор инфратузилмасини яратиш зарур. Чунки инфратузилма ҳар қандай иқтисодий тизим ва унинг таркибий тузилмалари фаолияти муваффақиятини таъминловчи мажбурий шартлардан ҳисобланади ва жамият манфаати учун фаолият юритувчи ишлаб чиқарувчи фаолиятининг узвийлиги ва тараққиётини таъминловчи хусусиятга эга бўлади.

Инфратузилма тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келган натурал хўжаликдан товар хўжалиги юзага келган давргача бўлган улкан давр мобайнида бир қанча босқичларни босиб ўтган. Бу босқичлар жамиятда меҳнат тақсимотлари билан боғлиқ даврий жараёнларни ўз ичига олади, яъни йирик

<sup>1</sup> Перспективы развития инфраструктуры внутреннего биржевого рынка российских еврооблигаций. // Оксана Страхова. – Рынок ценных бумаг, 2002. № 8 С. 76.

меҳнат тақсимотлари натижасида жамиятдаги ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари жойлашуви ва ихтисослигида ўзгаришлар юзага келиб, дехқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб бориши, ишлаб чиқаришнинг қишлоқ ва шаҳар қисмларининг юзага келиши, саноат ишлаб чиқариши ва савдонинг юзага келиши натижасида жамиятда фаолият юритувчи барча ишлаб чиқарувчи ва хом ашё етказиб берувчи корхоналарга хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ривожланиб бориши заруратини келтириб чиқарди. Бугунги кунда инфратузилма хизмат кўрсатиш йўналиш вазифасига кўра иккита йирик гуруҳга бўлинади:<sup>1</sup>

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма – транспорт, алоқа, улгуржа савдо, жараёнларга сервис хизматларини кўрсатувчи техник хизматлар ва ҳакозо.

2. Ижтимоий инфратузилма – жамият аҳолисининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилувчи хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг йиғиндиси. Булар жумласига, аҳолига транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот хизматларини кўрсатиш каби тармоқларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Маълумки, иқтисодий тараққиёт жамият ҳаётининг асоси бўлган ишлаб чиқаришнинг узвийлигига боғлиқ.

Чунки ишлаб чиқариш узвийлиги нафақат айна пайтдаги жамият эҳтиёжини, балки келажак авлод эҳтиёжини қондириш учун ҳам узвий ўсиб бориш шартлари асосида ҳаракатланиши лозим. Ишлаб чиқаришдаги узвийлик ва ўсиб бориш - маҳсулот ишлаб чиқариш ва маблағлар айланишидаги уйғунликка боғлиқ бўлиш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма мажмуасининг юқори технологик сервис - хизмат кўрсатиш тизими субъектлари фаолиятига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқаришнинг умуминсоний фаолият деб қаралиши унинг шахсий – инсоний ва моддий ашёвий омиллари борлигини унутмаслигимиз керак. Ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлган инсоннинг меҳнат қобилияти ва ташаббускорлиги - унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларининг қай даражада қондирилишига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришда иштирок этувчи инсоннинг бу эҳтиёжлари қондирилган тақдирдагина унинг меҳнат қобилияти ва ташаббускорлиги ортади. Масалан, ишлаб чиқаришда фаолият юритувчи инсон кундалик иш фаолиятига отланар экан, иш жойига етиб олишдаги транспорт муаммосининг мавжудлиги унинг эрталабки руҳиятига таъсир этса, оиланинг кичик аъзолари соғлиғи юзасидан шифокор маслаҳатини олиш ва унга дори-дармон олиш учун турар жойидан бир неча км масофани босиб ўтиш зарурати ёки инсон ҳаёт турмуш тарзининг бошқа муаммолари кўндаланг бўлган тақдирда, ишчида иш фаолиятидаги унумдорлик камаяди.

Айрим жаҳон ва МДҲ мамлакатлари олимларининг фикрича, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси – бозор иштирокчилари фаолиятидаги муносабатларга, товар ва хизматлар ҳаракатига, олди-сотти шартномаларни расмийлаштириш, шунингдек, бозор иштирокчилари фаолиятининг нормал бўлишига таъсир этувчи ҳуқуқий шакллар йиғиндисидир деб таъриф берадилар ва замонавий бозор инфратузилмаси элементларининг куйидаги субъектларини қайд этиб ўтадилар: биржалар (товар, хомашё, валюта ва фонд); аукционлар, ярмаркалар ва бошқа нобиржавий воситачилик фаолияти; кредит тизими ва тижорат банклари; эмиссион тизим ва эмиссион банклар; аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солувчи

<sup>1</sup> Перспективы развития инфраструктуры внутреннего биржевого рынка российских еврооблигаций. // Оксана Страхова. – Рынок ценных бумаг, 2002. № 8 С. 76.

тизим (меҳнат биржалари); ахборот технологиялари ва коммуникациялар; солиқ тизими ва солиқ инспекцияси; хўжалик фаолиятининг тижорат рискларини суғурталаш тизими ва суғурта компаниялари; махсус реклама агентликлари, ахборот марказлари, жамоа ахборот агентликлари; савдо палаталари, бошқа ихтиёрий, давлат жамоа бирлашмалари; божхона тизими; ёлланма асосида фаолият юритувчи ишчиларнинг касаба уюшмалари; тижорат – кўргазма мажмуалари; олий ва ўрта иқтисодий таълим тизими; аудиторлик компаниялари; консалтинг компаниялари; бозор муносабатлари фаолиятига кўмаклашувчи давлат ва жамоа фондлари; тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминловчи махсус тузилмалар.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқот ишимиз давомида ўрганилган хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришнинг моҳиятини ёритишда назарда тутилган ёндошувлардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш инфратузилмасига муаллифлик янги таҳрирдаги таърифни қуйидагича изоҳладик:

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси - ишлаб чиқариш, товарлар ва савдо-сотик ишларига, молия-кредит муносабатларига, аҳолига ижтимоий хизмат ва ахборот тизимига йиғиндисидан ташкил топган тузилмага айтилади.

Хорижий мамлакатлар хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ташкилий тузилишига боғлиқ тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда республикада хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ташкилий тузилмасини қуйидагича шакллантириш таклифини бермоқчимиз:

- амал қилиш механизмлари бўйича (воситачилик молиявий, ахбороттехнологик, ҳуқуқий, маркетинг);
- мулк шакли бўйича (хусусий, кооператив (жамоа), давлат, ижтимоий, хорижий);
- кўрсатиладиган хизматлар кўлами бўйича (халқаро, миллий, ҳудудлараро, ҳудудий, маҳаллий);
- ишбилармонлик хизматлари (молиявий, суғурта, кредит хизматлари) ;
- тақсимот хизматлари (савдо, умумий овқатланиш) ;
- ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, ҳуқуқий хизматлар).

Кўпчилик хорижий иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг таркибий тузилишини унинг тармоқ белгилари ва ривожланиш нуқтаи назаридан таснифлаш лозим деб хулоса қиладилар. Фикримизча, ушбу соҳани ташкилий-иқтисодий нуқтаи назардан таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

- ахборот-тижорат инфратузилмаси (маркетинг марказлари, реклама агентликлари, ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш марказлари, ва ҳ.з.);
- иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилма (судлар, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, адвокатлик ва нотариал идоралар ва ҳ.з.);
- молиявий-кредит инфратузилма (тижорат банклари, кредит, суғурта ва кафолат ташкилотлари);
- савдо, воситачилик инфратузилмаси (ярмаркалар, биржа, савдо уйлари тижорат марказлари ва ҳ.з).

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарадорлигини таъминлашда юқорида таъкидланган таснифлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида хизматлар салмоғини оширишга қаратилган ислохотлар



ушбу хизмат соҳаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Масалан, хизматлар тури сифатида савдо уйлари, ташкилотлари, ярмаркалар, озик-овқат ва ноозик овқат маҳсулотларини сотишга ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларини самарали фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, хизматлар махсус товар сифатида уни кўрсатувчиларга ўзига хос талабларни бажаришни талаб этади.

Ушбу фикрни тасдиғи сифатида ярмаркаларни ўрни ва ролини мисол қилиш мумкин. Кейинги вақтларда хизмат соҳасининг савдо-воситачилик таркибий инфратузилмаси сифатида уларнинг роли жаҳон тажрибасида бирмунча пасайиб бормоқда. Етакчи ўринга хизматлар бозори таркибида ушбу бозорнинг ҳолати ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат истеъмолчилари ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва қайта шлаш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.
2. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (Дарслик). Т.: Меҳнат, 2004. б.397.
3. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. –С.37-38.
4. Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service menedjment and Opeation – 2-е межнарод изд. (пер.с англ нар. наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – Спби. др: Питер бух. 2002. – С. 496.
5. Ш.О. Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари". Монография.
6. Ж.Файзиев, Ж.Рахмонов. Хизматларни тақдим этиш усуллари. “Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари . IY қисм. 2015 йил 20-21 февраль. 34-37 б.
7. Файзиев Ж.С., Рахмонов Ж., Файзиев Ш., Мамарасулов З. Туризмда хизматлар ва маҳсулотлар сифатини бошқариш. “Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда хорижий тажрибани қўллаш” халқаро илмий-амалий анжумани (25 сентябр 2015 йил). -Т.ТДИУ, 2015. 179-183 б.
8. Г.А.Аванесова. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособие. - М.: Аспект Пресс. - 2004. - 317 с.
9. Ю.П.Анискин. Организация и управление малым бизнесом. М.: Финансы и статистика. – 2002
10. А.Э.Айкарян. Реализация инвестиционных промышленных проектов в сфере малого предпринимательства. М.: РАН, Ин-т. Экономки. – 2000
11. Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006.
- 12.Д.Бурменко. Экономика сферы услуг. – Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004.
13. А.Н.Алейников. Ппредпринимательская деятельность. М. - 2003., Т
14. Гулямов С.С.ва бошқалар, Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», нашриёти, 2019.
- 15.Пардаев М.Қ., Абдурахманов Қ.Х. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. - Т.: “Fan va texnologiya nashriyot-matbaa uyi” нашриёти, 2021. – 172 бет.

16. Зайнутдинов Ш.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти. – Т.: Иқтисодиёт, 2012.
17. М.М.Муҳаммедов. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи. - Т.: “Fan va texnologiya nashriyot-matbaa uyi” нашриёти, 2021. – 376 бет.
18. М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 384 бет.
19. М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 259 б.